

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1337-ҳадис

1337/3233 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فِي قَوْلِهِ تَعَالَى : لَقَدْ رَأَى مِنْ ءَايَتِ رَبِّهِ الْكُبْرَى قَالَ : رَأَى رَقْرِفًا أَحْضَرَ سَدًّا أَفْقَ السَّمَاءِ .

1337.3233. Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Дарҳақиқат, ўз Роббининг улкан оят-мўъжизаларидан айримларини кўрди», яъни у зот осмон уфқларини тўсиб турган яшил ипак гиламни кўрганлар».

Изоҳ: Оятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Меъроҷ кечаси Аллоҳ таолонинг биру борлиги, қудрати чексизлигига далолат қилувчи улкан мўъжизаларни ўз кўзлари билан кўрганлари таъкидланган. Ушбу оятда қайси мўъжизалар назарда тутилгани ҳақида турли фикрлар бор. Буюк саҳобий Ибн Масъуд розияллоҳу анхунинг айтишича, бунда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Жаброил алайҳиссаломни уфқда яшил гилам устида кўрганлари ҳам кўзда тутилган экан. Баъзилар буни Жаброил алайҳиссалом қанотини ёзганда гиламга ўхшаб кўринган, деб ҳам изоҳлашган.

Манба: hadis.islom.uz

